

Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш қўмита раисининг
2024-йил “ 24 ” - декабрдаги
120-412-сон буйруғига
10 - Илова

**Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси марказий
аппарати, республика тизим ташкилотлари ва вилоят бошқармалари
ходимларининг коррупциявий ҳатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ
қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш
бўйича**

РЕГЛАМЕНТ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси марказий аппарати (*кейинги ўринларда – Қўмита*), республика тизим ташкилотлари вилоят бошқармалари (*кейинги ўринларда – Тизим ташкилотлари*) ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилиги ёки коррупцияга қарши курашишга оид ички идоравий ҳужжатларини бузилишига нисбатан хизмат текширувини (*кейинги ўринларда – Хизмат текшируви*) ўтказишни белгиловчи ички идоравий ҳужжат ҳисобланади.

2. Мазкур Регламент қуйидаги мақсадларда ишлаб чиқилган:

Қўмита ва тизим ташкилотларида Хизмат текшируви ўтказишда ягона ёндашувни белгилаш;

Хизмат текшируви ўтказиш жараёни ва натижаларини ҳужжатлаштириш талабларини белгилаш;

Қўмита ва тизим ташкилотларида қоидабузарликлар содир этиш, унга зиён етказишга олиб келадиган сабаб ва шартларни аниқлаш ва бартараф қилиш;

Қўмита ва тизим ташкилотларида қабул қилинган ички ҳужжатлар ва назорат таомилларидаги камчиликларни аниқлаш ва келгусидаги қоидабузарликларга йўл қўймаслик мақсадида уларни бартараф қилиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимларининг қўлланилаётган қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарликка тортилиши хавфини камайтириш.

3. Хизмат текширувида иштирок этаётган Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимларига ушбу Регламент билан ўрнатилган талабларга риоя қилиниши учун шахсий жавобгарлик юклатилади.

4. Қўмита ва тизим ташкилотларидаги Хизмат текшируви қуйидаги тамойиллар асосида ўтказилади:

қонунийлик;

Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш;

фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларинини таъминлаш ва ҳимоя қилиш;

Хизмат текшируви ўтказишда олинган ахборот ва материалларнинг конфиденциаллиги;

Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимлари томонидан Хизмат текшируви ўтказишдаги шаффофлик, ҳалоллик, коллегиялик, бетарафлик ва холислик;

Хизмат текшируви олиб борилаётган Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимининг айбсизлик презумпцияси.

2-боб. Хизмат текширувни тайинлаш

5. Хизмат текшируви Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилиги ёки коррупцияга қарши курашишга оид ички идоравий ҳужжатларининг бузилганлиги тўғрисидаги асосли маълумотлар мавжуд бўлганда тайинланади.

6. Бундай маълумотлар қуйидаги манбалардан келиши мумкин:

Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимларининг ёзма ёки оғзаки шаклдаги бевосита раҳбари ёки бошқа ваколатли шахсга берган маълумоти;

жисмоний ва юридик шахсларнинг Қўмита ва тизим ташкилотлари алоқа каналларига юборган хабарлари, шу жумладан, аноним хабарлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;

оммавий ахборот воситаларидаги, шунингдек, ижтимоий тармоқлардаги маълумотлар;

ўтказилган сўровнома, шу жумладан, ижтимоий ва статистик тадқиқотлар натижалари бўйича олинган маълумотлар;

ички аудит ва молиявий назорат бўлинмалари, шунингдек, давлат молиявий назорат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосалари;

Қўмита ва тизим ташкилотлари комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ва (ёки) мутахассислари, ушбу вазифа юклатилган мутахассислар *(кейинги ўринларда – Коррупцияга қарши курашиш бўлими)* томонидан коррупцияга қарши ички талаблар мониторинги ва уларга риоя қилиш устидан назорат натижалари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва давлат ҳокимиятининг бошқа органларининг топшириқлари;

Бошқа каналлар орқали келиб тушган Коррупциявий характердаги хабарлар.

7. Қўмита ва тизим ташкилотлари қуйидаги ходимлари хизмат текшируви ташаббускорлари бўла олади:

раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарлари;

одоб-ахлоқ комиссиялари;

коррупцияга қарши курашиш бўлими раҳбарлари;

ички аудит бўлинмалари раҳбарлари;

юримдик хизмати раҳбари;

инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмалари раҳбарлари.

8. Коррупциявий хатти-харакатлар тўғрисида мазкур Регламентнинг 6-бандида кўрсатилган манбалардан келиб тушган ҳар қандай маълумотга нисбатан Коррупцияга қарши курашиш бўлими Хизмат текшируви ўтказиш учун етарли асос ва маълумотлар мавжудлиги, шунингдек, келиб тушган маълумотнинг Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимларига алоқаси бор-йўқлигини аниқлаш нуктаи назаридан дастлабки текширув ва таҳлил қилишни амалга оширадилар.

9. Бунда устидан Хизмат текшируви ўтказилиши мумкин бўлган ёки манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган ходимларни дастлабки текширув жараёнига жалб қилиш тақиқланади.

10. Дастлабки текширув тегишли маълумот келиб тушган кундан бошлаб 10 (ўн) кундан ортиқ бўлмаган муддатда ўтказилади.

11. Дастлабки текширув Хизмат текшируви ҳисобланмайди.

12. Агар дастлабки текширув натижалари бўйича Қўмита ва тизим ташкилотларига алоқадор бўлган қоидабузарлик содир этилгани, содир этилиши мумкин бўлгани ёки содир этилаётганини тахмин қилишга асос борлиги аниқланса, у ҳолда Коррупцияга қарши курашиш бўлими Қўмита ва тизим ташкилотлари раҳбарлари номига ёзма хизмат хабарини жўнатади.

13. Агар Хизмат текшируви Тизим ташкилотлари раҳбари ёки унинг ўринбосарларига нисбатан тайинланган бўлса, хизмат хабари Раис номига ёзилади.

14. Агар Хизмат текшируви Раис ёки унинг ўринбосарларига нисбатан тайинланган бўлса, (Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Қўмита ва тизим ташкилотларининг ички ҳужжатларида кўзда тутилган Коррупциявий хатти-харакатлар, шу жумладан манфаатлар тўқнашувини яширишга оид ҳолатларини содир этганликда гумон қилинган ҳолларда) у ҳолда тегишли маълумотлар Коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилади.

15. Қўмита ва тизим ташкилотлари раҳбарлари хизмат хабари олинган кундан бошлаб 3 (уч) иш кунда Хизмат текшируви ўтказиш ёки ўтказмаслик тўғрисида қарор (буйруқ) қабул қилади.

16. Қўмита ва тизим ташкилотлари раҳбари хизмат хабарига асосан тегишли материалларни Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига Хизмат текшируви ўтказмасдан тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

17. Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш билан бир вақтда Қўмита ва тизим ташкилотлари раҳбари Хизмат текшируви ўтказиш

бўйича ишчи гуруҳ раҳбарини тайинлайди ва унга ишчи гуруҳ таркибини шакллантиришни ва хизмат текширувни ўтказиш тўғрисида буйруқ тайёрлаш вазифасини топширади.

18. Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги буйруқда қуйидагилар кўрсатилади:

Хизмат текшируви предмети (мавзуси);

Хизмат текшируви ўтказилишига асос бўлган сабаб ёки вазият;

Хизмат текшируви ўтказишга сабаб бўлган қоидабузарликни содир этишда гумонланаётган ходим(лар), у(лар)нинг Ф.И.Ш. ва лавозими (бўлинма (департамент, бошқарма, бўлим) номи) маълум бўлса;

Хизмат текширувини ўтказиш учун маъсул бўлган ишчи гуруҳ таркиби;

Ишчи гуруҳ аъзолари ва раҳбарининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

Хизмат текширувини ўтказиш ва натижаларни тақдим этиш муддати.

19. Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги буйруқ лойиҳаси Қўмита ва тизим ташкилотлари раҳбарига имзолаш учун Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан бошлаб 3 кун ичида тақдим этилиши керак.

3-боб. Хизмат текшируви ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш

20. Хизмат текширувини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби, Ишчи гуруҳ раҳбари таклифига асосан тузилади, қоида тариқасида унга коррупцияга қарши курашиш бўлинмалари, инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмалари, юридик хизмат, ички аудит ва молиявий назорат бўлинмалари ҳамда лавозим мажбурияти Хизмат текшируви предмети бўлган ёки шунга яқин бўлган бошқа бўлинмалар ходимлари киритилиши мумкин.

21. Тизим ташкилотлари томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳ таркибига Қўмита ходимлари киритилиши мумкин.

22. Қуйидаги ходимлар ишчи гуруҳ таркибига киритилмайди:

Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг яқин қариндошлари;

Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг бевосита бўйсунувидаги ходим;

Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг бевосита раҳбари (Тузилма, ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбари бундан мустасно);

Хизмат текшируви ўтказилаётган йўналишни бошқараётган Қўмита ва тизим ташкилотлари раҳбарининг ўринбосарлари;

текширув якунидан бевосита ёки билвосита манфаатдор эканлиги ҳақида гумон (масалан бирга таълим олган, бир ҳудуддан бўлган, ишқий муносабатларда, хизмат текшируви ўтказилаётган ходим билан ошқора зиддиятга эга ва ҳоказо) бўлган бошқа ходимлар.

23. Ишчи гуруҳни шакллантириш учун маъсулият ишчи гуруҳ раҳбари зиммасида бўлади. У мазкур Регламентнинг 22-бандида кўрсатилган потенциал

манфаатлар тўқнашуви ҳолати мавжудлиги бўйича гуруҳ аъзоларини текшириши шарт.

4-боб. Хизмат текширувини ўтказиш

24. Хизмат текшируви тегишли буйруқ имзоланган санадан бошлаб 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатда ўтказилиши керак.

25. Агар Хизмат текшируви жараёнида 24-бандда кўрсатилган муддатларнинг узайишига олиб келадиган қўшимча тартиб-таомиллар (шу жумладан, ходимлар ва бошқа шахслар орасида қўшимча сўровнома ўтказиш) ўтказилиши, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилса, у ҳолда ишчи гуруҳ раҳбари бу ҳақда маълум бўлиши билан мажбурий тартибда, Хизмат текшируви тўғрисидаги буйруқни имзолаган раҳбарни хабардор қилади. Бундай ҳолатларда, Хизмат текширувини ўтказиш муддатлари 30 (ўттиз) календарь кунидан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

26. Устидан Хизмат текшируви ўтказилаётган ходим йўқ бўлган ҳолда (таътил, касаллик, хизмат сафари ва бошқалар), у вақтинча тўхтатилади, унинг муддати эса автоматик тарзда ушбу ходим йўқ бўлган даврга узайтирилади.

Агар ходим 30 (ўттиз) календарь кунидан ортиқ муддатга йўқ бўлган ёки Хизмат текширувида иштирок этишдан бошқа усул билан бош тортган ҳолда, Хизмат текшируви Қўмита ва тизим ташкилотлари раҳбари билан келишган ҳолда ходимнинг иштирокисиз ўтказилиши мумкин ва ушбу ҳолат Хизмат текшируви натижаларида қайд этилади.

27. Устидан Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимга, ишчи гуруҳ раҳбарининг тавсиясига асосан Қўмита тизими раҳбари буйруғи билан маълум бир ахборот тизимлари, муайян ҳужжатлардан фойдаланишга чеклов қўйилиши мумкин. Ушбу ҳолатда қабул қилинган буйруқ ҳақида, устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим, ўша кунгек буйруққа имзо чектирилган ҳолда таништирилади. Буйруқ билан танишиш рад этилган ҳолда бу ҳақида ишчи гуруҳ раҳбари томонидан далолатнома тузилади.

28. Ходимга нисбатан маълум бир ахборот тизимлари, муайян ҳужжатлардан фойдаланишга чеклов қўйишга оид буйруқ Хизмат текшируви ўтказишнинг муддатидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5-боб. Хизмат текширувини ўтказиш давомида ўрганиладиган маълумотлар

29. Хизмат текширувини ўтказиш давомида ишчи гуруҳ қоидабузарликка алоқадор бўлган маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва ҳужжатлаштириш ишларини амалга оширади, шу жумладан:

қоидабузарлик, уни содир этиш сабаблари нимада акс этади;

қоидалари бузилган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Қўмита ва тизим ташкилотлари ички идоравий ҳужжатлари талаблари;

қоидабузарликни содир этиш вақти, жойи, усули;

қоидабузарликни содир этишга жалб қилинган шахслар доираси (қўмита тизими ходимлари билан бир қаторда учинчи шахслар ҳам);

қоидабузарликнинг оғирлик даражаси;

Қўмита тизимига етказилган моддий ва номоддий, обрў-эътибор характеридаги зарарнинг кўриниши ва кўлами;

қоидабузарликни содир этишга алоқадор бўлиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар.

30. Хизмат текширувини ўтказиш давомида олинадиган маълумотлар манбаси куйидагилар бўлиши мумкин:

устидан Хизмат текшируви ўтказилаётган ходим, қўмита тизимининг бошқа ходимлари, учинчи шахсларнинг ёзма ёки оғзаки тушунтиришлари;

тасдиқловчи ҳужжатлар (*ёзма ва электрон шаклда*);

интернет тармоғининг оммавий тизимида жойланган ахборот манбаларининг маълумотлари;

аудиоёзувлар, фото - ва видеосъёмкалар;

қоидабузарликка алоқадор бўлган бошқа материаллар.

31. Юқорида санаб ўтилган барча, шу жумладан конфиденциал маълумотлар ишчи гуруҳ томонидан Қўмита ва тизим ташкилотлари да қабул қилинган барча таомилларни қўллаган ҳолда, шунингдек, Қўмита ва тизим ташкилотларининг ички ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ олинishi ва фойдаланилиши керак.

32. Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимлари ёки жалб этилган бошқа шахслар билан ўтказилган суҳбат жараёни аудио ёки видео қайд қилиниши, суҳбат тўғрисида баённома тузилиши керак (*аудио ёки видео қайд Хизмат текшируви материалларига қўшиб қўйилади*).

Аудио ва видео қайдни амалга оширишдан олдин суҳбат ўтказилаётган шахснинг розилиги олинади. Розилик берилмаса аудио ва видео қайдни амалга оширувчи ускуналардан фойдланишга йўл қўйилмайди.

33. Устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ёки бошқа ходимнинг суҳбат ёки тушунтириш беришдан бош тортилган ҳолларда ушбу Регламентнинг I-иловасига мос шаклда далолатнома расмийлаштирилади.

34. Ишчи гуруҳ раҳбари мазкур ходимни далолатнома билан танишганлигини тасдиқлаш учун унга имзо қўйиши зарурлиги тўғрисида хабардор қилади. Агар ходим ҳужжатга имзо қўйишдан бош тортса, у ҳолда ишчи гуруҳ раҳбари ҳужжатга тегишли белги қўяди.

35. Устидан текширув ўтказилаётган ходим томонидан далолатномага (*ёки бошқа ҳужжатларга*) имзо қўймаслик унга нисбатан тегишли жавобгарлик чорасини қўллашдан озод қилмайди.

6-боб. Ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

36. Ишчи гуруҳ раҳбари Хизмат текширувининг самарадорлиги ва натижаси, шунингдек, ишчи гуруҳ аъзоларининг мазкур Регламент билан белгиланган талабларга амал қилишлари учун маъсул бўлади.

37. Хизмат текшируви ўтказиш давомида ишчи гуруҳ раҳбари қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

Хизмат текшируви ўтказишнинг йўналишлари, амалга ошириладиган тадбирларни белгилайди, ишчи гуруҳ аъзолари олдига вазифалар қўяди;

Ишчи гуруҳ томонидан Хизмат текшируви ўтказилишини ташкиллаштиради ва мувофиқлаштиради;

Ишчи гуруҳ томонидан Хизмат текширувининг ушбу Регламентга мувофиқ равишда ўтказилишини назорат қилади;

сухбат ўтказиш, тушунтириш талаб қилиб олиш зарур бўлган ходимлар рўйхатини тузади;

Хизмат текширувини ҳолис ва самарали ўтказиш учун зарур бўлган чоралар кўрилишини таъминлайди (масалан, Қўмита ва тизим ташкилотларидаги маълумотларни йўқ қилиш жараёнларини тўхтатиб туришни талаб қилади, тегишли ходимларга нисбатан текширув ўтказилаётган даврда маълум бир ахборот тизимлари, муайян ҳужжатлардан фойдаланишга чеклов қўйишни тавсия қилади, зарурият туғилганда текширувни ўтказишнинг максимал муддатларини узайтириш бўйича таклиф тайёрлайди ва бошқалар.);

Қўмита ва тизим ташкилотлари раҳбарига Хизмат текшируви натижаларининг тақдим этилишини таъминлайди.

38. Хизмат текширувини ўтказишда ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимлари билан суҳбат ўтказиш, тушунтириш хати олиш, текширув моҳияти тўғрисида маълумотга эга бўлиши мумкин бўлган учинчи шахслар, шунингдек, ташқи экспертларни уларнинг розилиги билан Хизмат текшируви жараёнига таклиф қилиш. Учинчи шахслар ва ташқи экспертларни жалб қилиш масаласи Қўмита ва тизим ташкилотлари раҳбари билан келишилиши шарт;

суҳбатни ёзма шаклда ёки зарурият туғилганда тушунтириш бераётган шахснинг розилиги билан аудио- ва видеокайд этувчи ускуналар қўллаш билан кайд этишни амалга ошириш;

Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимларидан Хизмат текширувига алоқадор бўлиши мумкин бўлган материалларни олиш;

Қўмита ва тизим ташкилотлари мулкнинг бус-бутунлигини хатлов ва тафтишдан ўтказиш;

Ўтказилаётган Хизмат текшируви доирасида ўз лавозим мажбуриятларини бажариш учун фото ва видеокайдларни амалга ошириш.

39. Ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзолари мажбуриятлари:

Хизмат текширувини ўтказишда ушбу Регламент, қўмита тизимининг бошқа ички ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига амал қилиш;

Хизмат текшируви моҳияти бўйича мавжуд барча материалларни тўплаш;

Хизмат текшируви мақсадлари учун аҳамиятга эга бўлган маълумотларнинг (хужжатлар, электрон маълумотлар ва б.) бутлигини сақлаш бўйича чоралар кўриш;

мазкур Регламент, Қўмита тизимининг бошқа ички хужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари Хизмат текшируви ўтказиш доирасида олинган маълумотларнинг мутлақо конфиденциаллигини сақлаш ва ошқор қилмаслик;

мазкур Регламент талабларига мувофиқ равишда текширув натижаларини расмийлаштириш, шу жумладан, жавобгарлик чоралари, шунингдек, қоидабузарлик сабаблари ва қоидабузарликни содир этишга туртки бўлган шартларни бартараф қилиш имконини берадиган чораларни қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

7-боб. Устидан Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимларнинг ҳуқуқлари

40. Устидан Хизмат текшируви ўтказилаётган ходим қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Хизмат текшируви ўтказиш факти тўғрисида хабардор бўлиш;

қоидабузарликнинг содир этилиши сабаблари ва шароитлари, Хизмат текширувининг бориши ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини ифодалаш ҳуқуқи билан ёзма ва оғзаки тушунтиришлар бериш, шунингдек, унинг тушунтиришларини тасдиқлаши мумкин бўлган исбот-далилларни тақдим этиш;

Тушунтиришлар тақдим этишдан бош тортиш—бу ҳолда ушбу Регламентнинг 33-бандида кўзда тутилган далолатнома тузилади;

ўзи томонидан тақдим этилган, ўтказилаётган Хизмат текшируви, Хизмат текшируви материалларига алоқадор бўлган хужжат ва материалларга қўшиб қўйишни талаб қилиш;

Хизмат текшируви тугаганлиги тўғрисидаги хабарни олиш ва бундай хабар олингандан кейин 2 (икки) кун ичида Хизмат текшируви маълумотномасининг унга тегишли қисми билан у тасдиқланишига қадар танишиш (у фойдаланиш ва ўз мулоҳазаларини қўшиб қўйиш ҳуқуқига эга бўлмаган конфиденциал ахборотдан ташқари);

Хизмат текшируви натижаларидан, шу жумладан, ишчи гуруҳ томонидан текширув яқунлари бўйича таклиф этилган жавобгарлик чорасидан норози бўлган тақдирда ушбу қарор устидан Қўмита тизими раҳбарига ёки юқори турувчи идораларга шикоят қилиш.

8-боб. Хизмат текширувини ўтказишга жалб қилинадиган бошқа ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

41. Хизмат текширувини ўтказишга жалб қилинадиган ходимлар Хизмат текширувини ўтказишда ишчи гуруҳга ҳар томонлама қўмак бериши, шу жумладан, Хизмат текшируви бўйича талаб қилинган тушунтиришлар, маълумот ва хужжатларни беришлари, ишчи гуруҳ аъзолари томонидан ташкил этиладиган суҳбатларда иштирок этишлари шарт.

42. Хизмат текширувини ўтказишга жалб қилинаётган ходимлар уларнинг текширувда иштирок этишлари сабабли уларга маълум бўлган Хизмат текшируви маълумотларини ошкор қилишга ҳақли эмаслар.

43. Хизмат текширувини ўтказишга жалб қилинаётган ходимлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзлари ва яқин қариндошларга қарши гувоҳлик бермаслик;

Қўмита тизими раҳбарига ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзоларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш.

9-боб. Хизмат текшируви натижаларини расмийлаштириш

44. Хизмат текшируви натижалари бўйича ишчи гуруҳ раҳбари, унинг барча аъзолари, Хизмат текшируви ўтказилаётган ходим томонидан имзоланадиган маълумотнома тузилади.

45. Маълумотнома мазкур Регламент 2-иловасига мувофиқ шаклда тузилиб, кириш, баён, хулоса ва таклиф қисмидан иборат бўлади.

46. Маълумотнома ёки унинг алоҳида бандларидан норози бўлган, ишчи гуруҳ аъзоси шунингдек устидан Хизмат текшируви ўтказилаётган шахс ёзма равишда расмийлаштирилган ва ишга тиркалган ҳолда алоҳида фикрда эканлигини билдирган белги билан маълумотномага имзо қўйиши мумкин.

47. Устидан Хизмат текшируви ўтказилаётган шахс маълумотномага имзо қўйишдан бош тортган ҳолларда далолотнома расмийлаштирилади. Ушбу далолотномага ишчи гуруҳ аъзоларидан ташқари, Хизмат текшируви натижаларидан манфаатдор бўлмаган камида икки нафар шахс имзо қўйиши лозим.

48. Маълумотномага асосан Қўмита ва тизим ташкилотлари тизими раҳбари қуйидаги қарорларни қабул қилиши мумкин:

қоидабузарлик тўғрисидаги маълумот тасдиқламаганлиги муносабати билан Хизмат текшируви тўхтатиш;

сабаблар ва муддатлари кўрсатилган ҳолда Хизмат текшируви материалларини қўшимча ишлаш учун, зарурият туғилганда эса – ишчи гуруҳ таркибини ўзгартириш учун қайтариш;

айбдор ходимни интизомий жавобгарликка тортиш;

ходимга нисбатан огоҳлантириш, профилактик характердаги чораларни қўллаш;

келгусида шу каби қоидабузарликлар содир бўлишининг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

ҳуқуқбузарлик ёки жиноят аломатлари тасдиқланган ҳолда, тегишли материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этиш.

49. Хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги маълумотнома Коррупцияга қарши курашиш бўлини маси, Инсон ресурсларни ривожлантириш ва бошқариш бўлини маларига тақдим этилади.

50. Хизмат текшируви ўтказилишига сабаб бўлган маълумот ҳақида хабар берган шахслар қондабузарлик тасдиқлангани ёки тасдиқланмагани, шунингдек кўрилган чоралар ҳақида умумий тарзда хабардор қилинади.

10-боб. Хизмат текширувига оид ҳужжатларни сақлаш ва улардан фойдаланиш

51. Хизмат текширувида иштирок этаётган Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимлари текширув давомида уларга маълум бўлган ахборотнинг конфиденциаллигини таъминлайдилар (*Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно*).

52. Ўтказилган Хизмат текшируви доирасидаги маълумотлардан ваколатли фойдаланиш ҳуқуқига фақат Қўмита ва тизим ташкилотлари раҳбари, Коррупцияга қарши курашиш бўлинмаси ва ишчи гуруҳ аъзолари (*мазкур ишчи гуруҳ аъзоси иштирок этган текширувлар бўйича*) эга.

53. Ўз лавозим вазифаларини бажариш учун ўтказилган Хизмат текширувлари ҳақидаги ахборотдан фойдаланиши зарур бўлган ходимлар, ушбу ахборотдан фойдаланиши учун Қўмита ва тизим ташкилотлари раҳбарининг ёзма розилигини олиши лозим.

54. Хизмат текширувига оид материаллар ишчи гуруҳ раҳбари томонидан алоҳида йиғмажилдга рақамланган ва тикилган ҳолда Коррупцияга қарши курашиш бўлинмаси, Инсон ресурсларни ривожлантириш ва бошқариш бўлинмаларига топширилади.

55. Қўмита коррупцияга қарши курашиш бўлими, Тизим ташкилотларидаги коррупцияга қарши курашишга масъул ходимлар мазкур Регламентнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда Хизмат текширувлари электрон реестрини юритилишини таъминлайди. Тизим ташкилотлари ўтказилган Хизмат текширувлари электрон реестрини ҳар чоракда Қўмита коррупцияга қарши курашиш бўлими тақдим этишлари шарт.

56. Хизмат текширувига оид барча ҳужжатлар, агар бошқача тартиб Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилмаган бўлса, тасдиқланган вақтдан бошлаб 10 (ўн) йил давомида сақланиши лозим.

11-боб. Яқуний қонда

57. Мазкур Регламент талабларини бузиш белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

58. Мазкур Регламент, хизмат текшируви ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ўзгарганда қайта кўриб чиқилиши лозим.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси
марказий аппарати, республика тизим ташкилотлари ва
вилоят бошкармалари ходимларининг Коррупциявий
хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ коидаларини бузиш
ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича
РЕГЛАМЕНТга I-илова

ДАЛОЛАТНОМА

«__» _____ 20__ й.

Биз, қуйида имзо қўювчилар

(ФИШ, лавозими)

(ФИШ, лавозими)

(ФИШ, лавозими)

Ходим _____ (ФИШ, лавозими) 20__—йилнинг «--» да

_____, дан иборат бўлган қоидабузарлик содир
этилганлиги тўғрисида ёзма тушунтириш бериш таклиф этилган бўлиб, у ёзма
тушунтириш беришни рад этгани тўғрисида ушбу актни туздик.

Ёзма тушунтириш беришни рад этганлиги сабабларини ходим (ФИШ,
лавозими) _____ куйидагилар _____ билан _____ изоҳлади

_____ (тушунтириш беришни рад этганлик сабаблари
эркин шаклда баён этилсин).

Далолотнома тузган шахслар имзоси: _____
(имзо) (ФИШ)

(имзо) (ФИШ)

Далолотнома билан танишдим*: (ФИШ, лавозим, сана, имзо)

* Далолотномага имзо қўйишдан бош тортса, ишчи гуруҳ раҳбари «имзолашдан
бош тортди» ёзувини киритиб, ўзи имзо қўяди.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси
марказий аппарати, республика тизим ташкилотлари ва
вилоят бошқармалари ходимларининг Коррупциявий
хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш
ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича
РЕГЛАМЕНТга 2-илова

Хизмат текшируви натижалари тўғрисида маълумотнома
_____ -сон

1. Асос: Тузилма раҳбарининг буйруғи (сана ва рақами)
2. Ишчи гуруҳ таркиби:
Ишчи гуруҳ раҳбари

_____ (лавозими, фамилияси, инициаллари)

Ишчи гуруҳ аъзолари

_____ (лавозими, фамилияси, инициаллари)

3. Хизмат текширувини ўтказилган муддати:
4. Текширув ўтказиш учун асослар (келиб тушган хабарнинг қисқача мазмуни): _____
5. Баён қисми (хизмат текширувида аниқланган фактлар):
қоидабузарлик содир бўлганми ва у нималарда ифодаланган;
қоидабузарлик содир этилган жойи, вақти, усули ва қоидабузарликни содир этишнинг бошқа шароитлари;
Хизмат текшируви ўтказилаётган ходим(лар)нинг маълумотлари (ФИШ, лавозими, (тузилмавий бўлинма номи (бошқарма, бўлим номини кўрсатган ҳолда), меҳнат шартномаси тузилган сана, ушбу ходимга нисбатан Хизмат текшируви аввал ҳам ўтказилганми);
қоидабузарликни содир этишга алоқадор бўлган шахслар доираси;
қоидабузарликни содир этиш мақсадлари ва сабаблари;
қоидабузарликни содир этишга тўртки бўлган сабаб ва шартлар;
конкрет ходимнинг айбдорлигини тасдиқловчи ёки унинг айбсизлигига гувоҳлик берувчи тўпланган маълумотлар таҳлили;
Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг ўз ҳимояси учун келтирган далиллари, уларни текшириш натижалари.
6. Хулоса ва таклифлар:
 - а) хулоса қисмида:
Хизмат текшируви ўтказилган шахс(лар)нинг ҳаракат(лар)ида (ҳаракатсизлигида) қоидабузарлик мавжуд ёки йўқлиги тўғрисида хулоса;
қоидабузарлик бўлса, талаблари бузилган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки Тузилманинг ички ҳужжатлари номи, санаси ва бузилган қоида мазмуни;

қоидабузарлик содир этиш натижасида етказилган зарар характери ва кўлами (мавжуд бўлса);

б) таклиф қисмида

айбдор шахс (лар)ни жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар;

қоидабузарлик содир этишга олиб келадиган сабаб ва шартларни бартараф қилишга қаратилган тавсиялар;

Хизмат текшируви материалларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига такдим этиш зарурияти.

Ишчи гуруҳ аъзолари имзолари:

Маълумотнома билан танишдим*:

(ФИШ, лавозими)

(имзо)

(сана)

* Маълумотномага имзо қўйишдан бош тортса, ишчи гуруҳ раҳбари «имзолашдан бош тортди» ёзувини киритиб, ўзи имзо қўяди.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитасининг
2024-йил “ 24 ” - декабрдаги
128-ч)2-сон буйруғига
11 - Илова

**Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитасининг марказий
аппарати, тизимдаги тизим ташкилотлари ва вилоят бошқармаларида
коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга
қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни
рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмита марказий аппарати, тизим ташкилотлари ва вилоят бошқармаларининг (*кейинги ўринларда – Кўмита тизими*) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларини рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар бериш — тайёргарлик кўрилатган, содир этилатган ёки содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар бериш;

коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашиш — коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш борасидаги тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказишда бевосита кўмаклашиш.

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик — Кўмита тизимида тайёргарлик кўрилатган, содир этилатган ёки содир этилган коррупцияга ҳуқуқбузарликлар;

Ички назорат тузилмаси — фаолияти Кўмита тизимида коррупцияни эрта аниқлаш ва олдини олишга, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаблари ва шартларини бағараф этишга, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймасликка, коррупцияга қарши кураш чоралари самарадорлигини оширишга, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, коррупцияга қарши кураш стандартлари ва механизмларини, шунингдек, ходимлар ўртасида коррупциянинг барча кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган Кўмита тизимининг Коррупцияга қарши курашиш бўлинмалари ва мутахассислари, ушбу вазифа юклатилган ходимлар;

рағбатлантириш — ходимни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши курашишдаги фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш мақсадида тақдирлаш.

3. Қуйидагилар коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш тартибининг асосий вазифалари ҳисобланади:

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини таъминлаш, бунга имкон бераётган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш;

ходимларнинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашишдаги фаоллигини янада ошириш;

Қўмита тизимида коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш;

ходимларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашишга қўшаётган ҳиссалари учун муносиб тақдирлаш;

4. Ходимларни рағбатлантириш қонунийлик, адолатлилик; холислик, ошқоралик, шунингдек, ходимларнинг хоҳиш-истакларини ҳисобга олиш принциплари асосида амалга оширилади.

5. Рағбатлантириш бир марталик пул мукофоти, эсдалик совға ҳамда ташаккурнома шаклида белгиланади.

2-боб. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш турлари

6. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ходимлар Ички назорат тузилмасига берган хабари асосида бундай ҳуқуқбузарлик фош этилганда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

7. Коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимлар эсдалик совға ҳамда ташаккурнома билан билан рағбатлантирилади.

8. Ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган ҳолатлар ҳақида икки ва ундан ортиқ ходим Ички назорат тузилмасига хабар берган тақдирда, бу ҳақда биринчи бўлиб хабар берган ходим рағбатлантирилади.

9. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ходимлар ҳуқуқбузарлик ижтимоий хавфидан келиб чиққан ҳолда базавий ҳисоблаш миқдорининг (БХМ) 3 (уч) бароваригача бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

10. Коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларга рағбатлантириш учун бериладиган эсдалик совға қиймати базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ)нинг 3 (уч) бараваридан ошмаслиги лозим.

Ташаккурнома шаклида рағбатлантириш масаласи бевосита Ички назорат тузилмаси томонидан кўриб чиқилади.

3-боб. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш манбалари, уларни таъқибга олинмаслик кафолатлари

11. Ходимларни рағбатлантириш тўғрисидаги таклифлар Ички назорат тузилмаси томонидан Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг раисига (*кейинги ўринларда – Қўмита*) ходимларни рағбатлантириш бўйича билдирги киритиш орқали амалга оширилади.

12. Ходимларни рағбатлантириш юзасидан зарур ҳужжатларни йиғиш ва расмийлаштириш Ички назорат тузилмаси томонидан бажарилади.

13. Билдиргига рағбатлантириш учун асос бўлувчи қуйидаги маълумотлар илова қилинади:

Қўмитанинг тизими ходимларига нисбатан қасддан содир этилиши режалаштирилаётган ёки содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маълумотлар;

тайёргарлик кўрилаётган, содир этилаётган ёки содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берилиши натижасида жиноятнинг фош этилиши тўғрисидаги маълумотлар;

жиноятни тўхтатиш ва уни тўлиқ фош этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга фаол кўмаклашганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

аҳоли ўртасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги тарғибот ва талбирларда фаол иштирок этганлиги тўғрисида маълумотла.;

14. Ходимларни рағбатлантириш тўғрисидаги билдирги Раис томонидан кўриб чиқилгандан сўнг тегишли тартибда рағбатлантириш чораларини кўриш учун Ички назорат тузилмасига юборилади.

15. Ходимларни пул мукофотлари ва эсдалик совғалар билан тақдирлаш харажатлари Кенгаш йиғилиш баёнига асосан Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси ҳузуридаги ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

16. Ички назорат тузилмаси ходимларни рағбатлантириш учун Раис томонидан кўриб чиқилган билдиргини ва Низомнинг 13-бандида кўрсатилган маълумотларни уч иш куни ичида ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси кенгаши (кейинги ўринларда – Кенгаш)га тақдим этилишини таъминлайди.

17. Кенгаш томонидан рағбатлантиришга оид ҳужжатлар олинган кундан бошлаб беш иш куни ичида тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги, асослилиги ҳамда ушбу Низом талабларига риоя қилинганлиги кўриб чиқилади.

18. Рағбатлантириш учун тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ эмаслиги ҳамда ушбу Низом талабларига риоя қилинмаганлиги аниқланган тақдирда, икки иш куни ичида Ички назорат тузилмасига қайтарилади.

Қайтарилиш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилган тақдирда, тегишли ҳужжатлар ушбу Низом талаблари асосида рағбатлантириш учун қайта тақдим этилиши мумкин.

19. Кенгаш коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни бир марталик пул мукофоти ёки эсдалик совғаси билан тақдирлаш ҳақида қарор чиқаради.

Бир марталик пул мукофоти ўн иш куни ичида ходимларнинг шахсий банк пластик карталарига ўтказиб берилади, эсдалик совғаси эса совға қилинадиган буюм қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ харид қилингандан сўнг беш иш куни ичида топширилади.

20. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар бергани ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмақлашгани учун ходимларни рағбатлантириш уларнинг шахси сир сақланган ҳолда амалга оширилади.

Ички назорат тузилмаси ва Қенгаш аъзолари ходимларнинг шахсига оид маълумотлар ошқор этилмаслиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

4-боб. Яқунловчи қондалар

21. Ходимлар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашишга муносиб ҳисса қўшганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат мукофотларига ҳам тавсия этилиши мумкин.

22. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмақлашган ходимларни меҳнат фаолиятидаги ҳимояси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ таъминланади.

23. Рағбатлантирилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмақлашган ходимларнинг ҳисоби Ички назорат тузилмаси томонидан юритилади.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитасининг
2024-йил “ 24 ” - декабрдаги

120-ч/л-сон буйруғига
12 - Илова

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси марказий аппарати, тизим ташкилотлари ва вилоят бошқармалари томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қиймати шунингдек уни тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси марказий аппарати (*кейинги ўринларда – Кўмита*), тизим ташкилотлари ва вилоят бошқармалари (*кейинги ўринларда – Тизим ташкилотлари*) томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қиймати, шунингдек уни тасарруф этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ходим – Кўмита ва тизим ташкилотлари билан меҳнат муносабатларига киришган жисмоний шахс.

совға - Кўмита ва тизим ташкилотларида халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан жисмоний ва юридик шахслар томонидан бепул тақдим этилган, моддий қимматга эга бўлган мол-мулк ёки бегараз кўрсатилган хизмат;

халқаро тадбирлар - Кўмита ва тизим ташкилотлари номидан, унинг расмий вакиллари ҳамда хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш, алоқаларни ривожлантириш, тажриба алмашиш мақсадида ташкил этиладиган ва ўтказиладиган тадбирлар, хусусан Ўзбекистон Республикаси делегациясининг хорижий мамлакатга, хорижий мамлакат делегациясининг Ўзбекистон Республикасига ташрифи билан боғлиқ тадбирлар;

расмий тадбирлар - Кўмита ва тизим ташкилотларига юклатилган вазифа ва функциялардан келиб чиқиб, Кўмита ва тизим ташкилотлари номидан, унинг расмий вакиллари иштирокида ташкил этиладиган, муайян мақсадларга эришишга қаратилган тадбирлар (расмий қабул, маросим, учрашув, анжуман, семинар, брифинг, симпозиум, тақдимот, давра суҳбати ва бошқа тадбирлар);

хизмат сафари - Кўмита ва тизим ташкилотлари раҳбарининг буйруғига (қарори, фармойишига) асосан ходимни ўзининг доимий иш жойидан бошқа жойга (Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки унинг ҳудудидан ташқари) хизмат вазифасини ва топширигини бажариш учун муайян муддатга юборилиши;

совға берувчи - халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан ходимга совға тақдим этувчи жисмоний ёки юридик шахс вакили;

совғалар реестри - ходим томонидан халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан қабул қилинган совғалар тўғрисидаги маълумотлар рўйхати;

меҳмондўстлик белгиси - халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш ва этикет қоидаларига мувофиқ нонуштага, кофе-брейкка, тушликка, кечки овқатга ва оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларига таклиф қилиш.

3. Мазкур Низом талабларига риоя этиш барча ходимлар учун мажбурийдир.

4. Ходим томонидан ўзининг хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан ҳар қандай совғалар олиш тақиқланади. Бундан ходим томонидан алоҳида хизматлари учун давлат органининг тегишли қарори асосида олинган совғалар, шунингдек мусобакалар ва танловларда эришган ютуқлари, давлат байрамлари, нишонланадиган саналар ҳамда бошқа расмий тадбирлар муносабати билан мукофотлаш натижасида олинган совғалар мустасно.

5. Ходим халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан ўзи ёки бошқа шахслар учун совға тақдим этилишини сўрашига ёки талаб қилишига йўл қўйилмайди.

6. Ходимнинг халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан унинг оила аъзоларига тақдим этилган совға ходимга берилган совға деб ҳисобланади.

7. Қўмита ва тизим ташкилотлари раҳбарининг буйруғига (қарорига, фармойишига) асосан:

совғанинг қийматини аниқлаш ва уни сақлаш, Совғалар реестрини юритиш Қўмита ва тизим ташкилотларининг хўжалик бўлинмаси (бундан буён матнда бўлинма деб юритилади) (ходими) томонидан;

совғани Қўмита ва тизим ташкилотларининг балансига кириш қилиш молия-иқтисод бўлинмаси (ходими) томонидан;

совғалар билан боғлиқ масалаларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш Қўмита ва тизим ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш бўлинмаси (ходими) томонидан амалга оширилади.

Бунда, Тизим ташкилотларида мазкур бандда назарда тутилган таркибий бўлинмалар (ходимлар) мавжуд бўлмаган тақдирда тегишли вазифа раҳбарнинг буйруғига асосан бошқа таркибий бўлинмага (ходимга) юклатилиши мумкин.

2-боб. Халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан тақдим этилган совғани қабул қилиш талаблари

8. Ходим томонидан халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари, Қўмита ва тизим ташкилотларининг ички идоравий ҳужжатлари ҳамда ушбу Низом талабларига мувофиқ бўлиши;

совға уни берувчи томонидан аниқ бир халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан ихтиёрий тақдим этилган бўлиши;

ходим томонидан очик ва ошқора қабул қилиниши;

ходимнинг обрўсига (нуфузига) путур етказмаслиги;

манфаатлар тўқнашуви ёки коррупциявий хавф-хатарларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмаслиги, хусусан ходимнинг хизмат фаолиятида холис қарор қабул қилишига таъсир кўрсатадиган мажбуриятни юзага келтирмаслиги.

9. Ходим совғани қабул қилиш жараёнида совға берувчидан совғанинг қийматини тасдиқловчи ҳужжатларни (совғанинг қийматини тасдиқловчи савдо чекини ёки савдо квитанциясини ёхуд бошқа ҳужжатларни) сўраб олиши мумкин.

10. Ходимга тақдим этилган тез яроқсиз ҳолга келувчи маҳсулотлар (табиий гулдаста, доналик ширинликлар), шунингдек канселярия тўпламлари (таквим, буклет, пластмассали ручка, кундалик ва блокнот) совға сифатида расмийлаштирилмайди ҳамда ушбу совғалар ходим томонидан ўз хоҳишига кўра тасарруф этилади.

11. Ходим унга халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан меҳмондўстлик белгиси сифатида билдирилган таклифни қабул қилиши мумкин.

Бунда, ходим меҳмондўстлик белгиси сифатида билдирилган таклифнинг бегаразлигига шубҳа сезган тақдирда, ушбу таклифни дарҳол рад этиши ва алоқа воситалари орқали бу ҳақда коррупцияга қарши курашиш бўлинмасини огоҳлантириши шарт.

3-боб. Халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан тақдим этилган совғанинг қиймати ва уни тасарруф этиш

12. Ходим халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан унга тақдим этилган совғани ушбу тадбирлардан қайтиб келган кундан бошлаб уч иш куни ичида бўлинмага совғанинг қийматини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар (совғанинг қийматини тасдиқловчи савдо чеки ёки савдо квитанцияси ёхуд бошқа ҳужжатлар) мавжуд бўлса, ушбу ҳужжатлар билан бирга тақдим этади, бундан мазкур Низомнинг 10-бадида назарда тутилган совғалар мустасно.

13. Ходим томонидан совғани бўлинмага топширилиши тўғрисидаги топшириш ва қабул қилиш далолатномаси (бундан буён матнда далолатнома деб юритилади) расмийлаштирилгунга қадар совғанинг бутлиги ва сакланиши учун жавобгарлик ходим зиммасида бўлади.

14. Ходим томонидан бўлинмага топширилган ҳар қандай совға бўйича далолатнома ушбу бўлинма томонидан икки нусхада тузилади. Бунда, бўлинма томонидан ушбу далолатноманинг биринчи нусхаси мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ шаклдаги Совғалар реестрида совғани рўйхатга олган ҳолда ходимга қайтарилади, иккинчи нусхаси ушбу бўлинмада сакланади.

15. Ходимда совғанинг қийматини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлмаса, бўлинма томонидан совғанинг қиймати аниқланади.

Бунда, бўлинма томонидан совғанинг бозор нархи савдо дўконлари, интернет ҳамда бошқа манбалар ва усуллар орқали ўрганилиб, унинг ўртача

нархи ҳамда қиймати аниқланади ва унинг натижаси бўйича баённома расмийлаштирилади.

16. Совғанинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 (тўрт) бараварига тенг ёки ундан кўп бўлмаган миқдорда эканлиги аниқланган тақдирда, совға ходимда қолдирилади ва у томонидан ўз ихтиёрига кўра тасарруф этилади.

Бунда, бўлинма томонидан совғанинг ходимга топширилганлиги бўйича далолатнома расмийлаштирилади.

Совғанинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 (тўрт) бараваридан ортиқлиги аниқланган тақдирда, совға молия-иқтисод бўлинмаси томонидан Қўмита ва тизим ташкилотларининг балансига кирим қилинади.

17. Қўмита ва тизим ташкилотларининг балансига ўтказилган совғадан Қўмита ва тизим ташкилотларининг эҳтиёжи учун фойдаланишга рухсат этилади.

18. Ходимда халқаро ва бошқа расмий тadbирлар муносабати билан ўзига тақдим этилган совғаларни қабул қилишнинг қонунийлиги тўғрисида ҳар қандай шубҳа пайдо бўлганда, шу заҳоти ушбу масала бўйича бевосита ўзининг юқори турувчи раҳбариятини ёки коррупцияга қарши курашиш бўлинмасини хабардор қилиши шарт.

Совғанинг қийматини тасдиқловчи ҳужжатларнинг ишончлилиги ва ҳақиқийлиги бўйича шубҳалар мавжуд бўлган тақдирда тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва ҳақиқийлиги коррупцияга қарши курашиш бўлинмаси томонидан текширилиши мумкин.

19. Ходимнинг халқаро ва бошқа расмий тadbирлар муносабати билан унинг оила аъзоларига тақдим этилган совға мазкур бобга мувофиқ тасарруф этилади.

4-боб. Яқуний қонда

20. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг марказий аппарати, тизим ташкилотлари ва вилоят бошқармалари ходимлари томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олингани мумкин бўлган совга қиймати шунингдек уни тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги Низомга Илова

**Хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан
ходимлар томонидан қабул қилинган совғалар бўйича
РЕЕСТР**

Т/р	Совга қабул қилинган сана	Совгани қабул қилган давлат хизматчиси -нинг Ф.И.Ш ва лавозими	Совганинг тавсифи	Совганинг берилиш сабаби/ муносабати	Совга берувчининг маълумотлари*	Совганинг қиймати**	Совганинг тасарруф этилиши***	Совгани топширган давлат хизматчисининг имзоси ва сана	Масъул ходимнинг имзоси ва сана
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.									
2.									
...									

Изоҳ:

* хорижий мамлакат ва ташкилотнинг номи, совга берувчининг Ф.И.Ш ва лавозими;

** совганинг қийматини тасдиқловчи савдо чеки ёки савдо квитанцияси ёхуд бошқа ҳужжатлар мавжуд бўлса, шу асосида, агар мавжуд бўлмаса, совганинг қийматини аниқлаш асосида тўлдирилади;

***совганинг ходим тасарруфига ўтказилганлиги ёки Қўмита ва тизим ташкилотларига топширилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ёзилади.